

**АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ**

**РАХИМОВ ОЗОДБЕК ҒУЛОМОВИЧНИНГ**

**УМУМИЙ НИСБИЙЛИК НАЗАРИЯСИДА БУРЧАК МОМЕНТИГА  
ЭГА БЎЛГАН ЗАРЯДЛИ ВА МАГНИТЛАНГАН ЗАРРАЛАРНИНГ  
ҲАРАКАТИ**

**01.03.01-Астрономия**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
physical and mathematical sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
физико-математическим наукам**

**Рахимов Озодбек Гуломович**

Умумий нисбийлик назариясида бурчак моментига эга бўлган зарядли ва магнитланган зарраларнинг ҳаракати.....

3

**Рахимов Озодбек Гуломович**

Движение заряженных и намагниченных частиц с угловым моментом в общей теории относительности.....

19

**Rakhimov Ozodbek Gulomovich**

Motion of charged and magnetized particles with angular momentum in general theory of relativity.....

34

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works

Список опубликованных работ.....

работ.....

38

**АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ**

**РАХИМОВ ОЗОДБЕК ҒУЛОМОВИЧ**

**УМУМИЙ НИСБИЙЛИК НАЗАРИЯСИДА БУРЧАК МОМЕНТИГА  
ЭГА БЎЛГАН ЗАРЯДЛИ ВА МАГНИТЛАНГАН ЗАРРАЛАРНИНГ  
ҲАРАКАТИ**

**01.03.01-Астрономия**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.2.PhD/FM240 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институти институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.inp.uz](http://www.inp.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ахмедов Бобомурат Жўраевич,**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Нуритдинов Салохитдин Насритдинович,**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Муждабаев Исмет Шевкетович**  
физика-математика фанлари номзоди, доцент

**Етақчи ташкилот:** **Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон Миллий Университети,**  
**Олмаота, Қозоғистон**


Диссертация ҳимояси Астрономия институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.15.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 21 май соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052 Тошкент шаҳри, Астрономия кўчаси, 33-уй, Астрономия институти. Тел. (+998 71) 235-81-02; факс (+998 71) 234-48-67; e-mail: [info@astrin.uz](mailto:info@astrin.uz)).


Диссертация билан Астрономия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 01-21 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052 Тошкент шаҳри, Астрономия кўчаси, 33-уй, Астрономия институти. Тел. (+998 71) 235-81-02.

Диссертация автореферати 2021 йил « 28 » апрель куни тарқатилди.  
(2021 йил “ 28 ” апрелдаги №1- рақамли реестр баённомаси)



  
**Ш. А. Эгамбердиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор, академик

  
**И.А. Ибрагимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.н., катта илмий ходим

  
**С.П. Ильясов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда дунёда илғор илмий марказлар томонидан актив ядроли галактикаларнинг марказларини тадқиқ қилиш ва қора туйнукларни аниқлаш асосий вазифага айланиб улгурди. Галактикалар марказини кузатишда эса, айнан марказдаги қора туйнук атрофида содир бўлаётган ҳодисаларни кузатиш ва тадқиқ этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Айниқса, улкан галактикалар марказидаги массив қора туйнукларни тадқиқ этиш орқали олимлар қора туйнук атрофидаги турли энергетик, иссиқлик, рентген ва радио нурланиш каби жараёнларни ўрганмоқдалар. Бу каби зарраларни кузатиш учун улкан ишлар амалга оширилаётган бўлсада, уларни кузатишнинг имкони бўлганича йўқ. Шунинг учун, массив ва ўтамассив объектлар атрофида магнитланган ва зарядли зарраларнинг ҳаракатини тадқиқ этиш астрофизиканинг энг асосий масалаларидан биридир.

Ушбу диссертация ишида тадқиқ этилган магнит момент эффектларидан дунёнинг етакчи обсерваториялари ва илмий марказларида кузатилаётган объектлардан олинган сигналларни спектрал таҳлил этишда фойдаланилган. Жумладан, бунга мисол қилиб, 2019 йилда галактикамиз марказидаги, массаси 4,3 миллион Қуёш массасига тенг бўлган Sogitarius A\* қора туйнугидан тахминан бир ярим ёруғлик йили масофадаги магнитарнинг ҳаракати кузатилганлигини келтириш мумкин. Кузатиш натижаларига мисол сифатида яна қуйидагиларни келтириш мумкин: 2019 йилда Воқеалар горизонти телескопи биринчи марта M87 қора туйнугининг тасвирини олди; 2018 йили IceCube нейтрино обсерваториясида блазардан чиқаётган юқори энергияли нейтринолар кузатилди. Айниқса, қора туйнук тасвирининг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, бу ерда айнан зарраларнинг ҳаракатини ўрганиш орқали ушбу қора туйнук тасвирини кузатиш имкониятига эга бўлди. Кўплаб кашфиётлар бўлганлигига қарамасдан, магнит момент эффектларининг кучли магнит майдонларида пайдо бўлиш механизмлари тўлиқ ўрганилган эмас. Юқорида келтирилган мисоллардан шу нарсани айтиш мумкинки, магнитланган ва зарядли зарраларнинг ҳаракатини тадқиқ этиш мавзуси замонавий астрофизикада муҳим аҳамиятга эга экан.

Мамлакатимизда релятивистик астрофизика соҳасида экспериментал ва назарий ишлар олиб боришга катта эътибор қаратилмоқда, шунингдек, жаҳон миқёсидаги фундаментал тадқиқотларни олиб боришга ҳам. Республикамиз Президенти томонидан илгари сурилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> мамлакатимизда илм-фаннинг юксалиши, фундаментал тадқиқотларнинг муҳим йўналишлари ва уларнинг натижаларини ҳаётга татбиқ қилиш йўллари кўрсатиб берилган. Буни исботи ўлароқ, шуни айтиб

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 сонли Фармони «2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси».

Ўтиш мумкинки, охирги йилларда релятивистик астрофизикада компакт объектлар атрофида магнитланган ва зарядланган зарраларнинг ҳаракати, уларнинг қора туйнук томонидан тутиб қолиниши, зарраларнинг физик хусусиятлари, компакт объектлар атрофидаги ташқи магнит майдон ва уларнинг табиати чуқур ўрганилди. Қора туйнукларни кузатишда қанчалик улкан ишлар бажарилганлигига қарамасдан, бу борадаги айрим масалаларга ҳали жавоб топилганча йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида, 2018 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан чоп этилган “2019-2021 йилларда Ўзбекистонда тузилмали ислохотларнинг асосий йўналишларининг йўл харитаси”да ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II устувор йўналиши «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Зарраларнинг магнит хусусиятлари, шу жумладан, ташқи магнит майдон билан, қора туйнукнинг айланиш параметри билан, бран заряди ва ҳусусий бурчак моменти билан таъсири кўплаб олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, уларга италиялик (F. de Felice, Ф.Sorge, A. Vecchiato, G.Preti, С. Bambi, R.Luciano, M.Daniele)ларни, россиялик (О. Цупко, А. Захаров, В. Фролов, И. Новиков)ларни, голландиялик (J. van Holten, Н. Falcke), чилилик (S.Nojman, F.Asenjo)ларни, германиялик (С.Laemmerzahl, J.Kunz)ларни, англиялик (G.Gibbons, R.Rietdijk<sup>2</sup>)ларни, америкалик (J. Bardeen), аргентиналик (L. Amarilla, E. Eiroa)ларни, чехиялик (Z. Stuchlik, J. Schee)ларни ва ҳиндистонлик (N. Dadhich, S. Ghosh, P. Joshi, M. Patil)лар ва бошқаларни келтириб ўтишимиз мумкин. Аммо, магнит моментининг қора туйнук атрофидаги бран параметр ва ташқи магнит майдони билан ўзаро таъсири, қора туйнук атрофида ҳаракатланаётган магнитланган зарра сифатида қаралаётган пульсарлар каби кокрет объектлар учун батафсил ўрганилмаган.

Республикада умумнисбийлик назариясида қора туйнуклар атрофидаги вақт-фазо хусусиятлари ва уларнинг электродинамикаси Б.Ж.Ахмедов, А.А.Абдужаббаров, Б.А.Тошматов ва С.Р.Шайматовлар томонидан, галактикалараро муҳит ва актив ядроли галактикалар эса С.Н.Нуритдинов, Т.А.Ахунов ва К.Т.Миртаджиевалар томонидан тадқиқ этилган.

Қора туйнукларнинг кўплаб хусусиятлари тадқиқ қилинган бўлсада, айнан улар атрофида пайдо бўладиган кучли магнит майдонларининг пайдо бўлиш механизмлари, аккреция дискида ёки унга яқин масофаларда

ҳаракатланиши мумкин бўлган юлдузсимон объектларнинг орбиталари ва хусусиятлари, ўта массив қора туйнук атрофидаги магнит майдонида ҳаракатланаётган пульсар ёки магнитларнинг магнит майдон билан таъсирлашуви тўлиқ ўрганилмаган. Бундан ташқари ўта массив қора туйнук атрофида ҳаракатланаётган пульсар магнит моментининг унинг орбиталарига таъсири ҳисобга олинмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Астрономия институти илмий-тадқиқотлар режасининг №ФЕ2-ФА-Ф113 “Релятивистик астрофизика ва космологияда гравитацион ва электромагнит жараёнлар, қуйи ҳароратлардаги бозонлар тизимлари”, №ЕФ2-ФА-О-25046 “Гравитацион компакт объектлар яқинидаги айланишга эга зарралар ҳаракати ва электромагнит тўлқинларнинг тарқалиши”, №ВА-ФА-Ф2-008 “Турғун ва динамик релятивистик гравитацион объектларда астрофизик жараёнлар”, №MRB – AN – 2019 – 29 “РТ-70 телескопи ва россиянинг Гамма-400 орбитал телескопи параметрлари учун компакт астрофизик объектларни моделлаштириш ва уларнинг кузатув ҳоссаларини ҳисоблаш” илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўта кучли гравитацион майдонлардаги магнитланган зарраларнинг ҳаракатини тадқиқ этиш, ички айланма барқарор орбиталарнинг бран параметр ва магнит моментига боғлиқ аналитик ечимларини олиш, қора туйнук майдонида магнитланган зарраларнинг камраб олинишининг эффектив кесим юзасини ҳисоблашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ташқи магнит майдонида жойлашган қора туйнуклар атрофида мавжуд бўлган ички айланма барқарор орбиталарда магнитланган зарраларнинг эффектларини ўрганиш;

бран моделида ташқи магнит майдонидаги қора туйнук атрофида магнитланган зарраларнинг ҳаракат тенгламасининг аниқ аналитик ечимларини олиш;

магнитланган зарраларнинг қора туйнук томонидан камраб олинишини тадқиқ этиш;

бранда жойлашган айланмайдиган қора туйнук атрофида ҳаракатланувчи синов зарраларнинг барқарор айланма орбиталари учун бран параметрига боғлиқ бўлган аналитик ечимларни олиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида магнитланган зарралар, релятивистик компакт гравитацион объектлар – юлдузсимон ва ўта массив қора туйнуклар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида қора туйнук атрофида ҳаракатланаётган магнитланган зарраларнинг ички барқарор стабил орбиталари, зарраларнинг қора туйнук томонидан камраб олинишининг кесим юзаси, заррачанинг магнит momenti, бран параметрининг барқарор айланма орбиталар соҳасига таъсири ва эффектлари қаралган.

**Тадқиқотнинг усуллари** сифатида умумий нисбийлик назариясида ўта кучли гравитацион майдонда вақт-фазони ифодаловчи Эйнштейн тенгламаси ечимларидан, компакт объектлар атрофидаги магнит майдонни тавсифловчи Максвелл тенгламалари ечимларидан ва ҳаракат тенгламасини топиш учун Гамильтон-Якоби формализмидан фойдаланилган. Бундан ташқари, зарралар ҳаракати ва майдонлар учун дифференциал тенгламаларнинг аналитик ва сонли ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бора қора туйнук томонидан магнитланган зарраларни қамраб олиниши эффектив кесим юзасининг магнит моментга боғлиқлиги ва улар учун аналитик ифодалар топилган;

илк бора бран моделида айланмайдиган қора туйнук атрофидаги магнитланган зарралар учун барқарор айланма орбиталар мавжуд бўлган соҳанинг кенглиги ҳисоблаб чиқилган;

заррачанинг магнит моменти мавжудлиги унинг қора туйнук томонидан гравитацион қамраб олиниш эффектив кесими юзасининг кичрайишига олиб келиши аниқланган;

заррачаларнинг ҳусусий ва радиал йўналишлари орасидаги бурчакнинг критик қиймати унинг магнит моментига боғлиқ равишда камайиши аниқланган;

илк бора бран моделида қора туйнук атрофида ҳаракатланувчи магнитланган зарраларнинг барқарор айланма орбита радиуслари учун аниқ аналитик ечимлар топилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илк бора ташқи магнит майдонида жойлашган қора туйнук атрофидаги магнитланган заррача траекториясининг шакли ва барқарор айланма орбиталарининг радиуслари магнит параметрга боғлиқлиги аниқланган;

ташқи магнит майдонида жойлашган қора туйнук атрофидаги магнитланган заррачанинг бурчак моменти ва энергиясининг магнит параметрга боғлиқлиги олинган;

бран дунёси моделида қора туйнук томонидан қамраб олинувчи магнитланган зарраларнинг эффектив кесими учун аналитик ифодалар топилган;

илк бора магнит параметр ҳисобига ташқи магнит майдонда жойлашган қора туйнукнинг гравитацион қамровидан чиқиб кета оладиган магнитланган заррачалар учун ҳусусий ва радиал ҳаракат йўналишлари орасидаги критик бурчакнинг ортиши кўрсатилган;

бран моделидаги қора туйнук атрофида ички барқарор айланма орбиталарида ҳаракатланадиган заррачанинг энергетик ҳолати учун ифодалар олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қуйидагилар билан таъминланади: диссертация ишининг натижалари умумий нисбийлик назарияси усулларидан фойдаланилган ҳолда олинди; замонавий сонли методлар ва алгоритмлар қўлланилди; олинган натижалар замонавий

астрономик кузатув натижалари билан бир қаторда бошқа муаллифларнинг илмий ишларининг натижалари билан ҳам таққосланилди; олинган натижаларнинг хулосалари компакт гравитацион объектларнинг умумий тамойилларига тўлиқ мос келади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти компакт астрофизик объектлар атрофида магнитланган зарраларнинг ҳаракатланишини батафсил тушунтириш ва қора туйнуклар деб тахмин қилинган массив ёки ўта массив жисмлардан келган сигналларни ҳар тарафлама таҳлил қилиш имконияти мавжудлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар ёрдамида кузатилган компакт объектнинг бир қатор хусусиятларини, масалан, спини, магнит моменти, аккрецион дискидаги зарраларнинг орбитаси, уларнинг энергетик ҳолати ва нурланиш спектри текширилиши мумкин. Натижалар галактика марказларидан келадиган космик нурларни, шу соҳалардаги магнит ва гравитацион майдонларни таҳлил қилишда, шунингдек, магнитланган заррача ролини ўйнайдиган пулсарларни кузатиш учун фойдали бўлиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бурчак моментига эга бўлган зарядли ва магнитланган зарраларнинг умумий нисбийлик назариясидаги ҳаракати бўйича олинган натижалар асосида:

магнитланган зарраларнинг ҳаракати ва магнит эффектларидан Хиндистоннинг Пуна шаҳридаги Университетлараро астрономия ва астрофизика марказида (УААМ) фойдаланилган (УААМ маълумотномаси, Хиндистон, 4-декабр, 2020 йил). Натижада, деформацияланган фазосида зарраларнинг магнитланиши ва уларнинг орбитасига деформацияланган фазонинг таъсири эффектлари ҳисоблаб топилди;

бран дунёси моделида магнитланган зарраларнинг энергетик хусусиятларидан Хитойнинг Чжецзян технология университети олимлари томонидан фойдаланилган (Хитой Халқ Республикаси, Ханчжоу шаҳри, Чжецзян технологиялар университети маълумотномаси, 2020 йил 7-декабр). Натижада, зарядли зарраларнинг барқарор орбиталари радиуслари ҳисоблаб топилди;

зарядланган зарраларнинг бран дунёси моделидаги ҳаракати бўйича натижалар дунё тадқиқотчилар томонидан олиб борилаётган ишларда фойдаланилган бўлиб, жами 80 дан ортиқ ҳорижий импакт фактори юқори журналларда чоп этилган илмий ишларда айланувчи қора туйнук атрофида ташқи зарядларнинг эффектлари тавсифлаш, шунингдек аккрецияланувчи модданинг тезлигини ҳисоблашда фойдаланилган (Physical Review D, 2016; V.94: Issue 8, Web-Sc, IF-4,804; Astrophysics and Space Science, 2016, V.361: id91, Web-Sc, IF-1,495; The European Physical Journal C, 2020; V.80: Issue 11, Web-Sc, IF-4,389; Physica Scripta, 2020; V.95: Issue 8, id085008, Web-Sc, IF-1.866 ва ҳ). Натижада, зарядли зарраларнинг бран дунёсидаги

ҳаракати, айланувчи қора туйнук атрофида ташқи зарядларнинг эффектлари тўғрисида маълумотлар олиш имконини берган.

#### **Тадқиқот натижаларининг апробацияси**

Диссертация натижалари 3 та халқаро 4 та республика илмий анжуманларида муҳокама қилинган.

#### **Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши**

Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий ишлар чоп қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиянинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, шу жумладан 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

#### **Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми**

Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 97 бетни ташкил этади.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Диссертациянинг кириш қисмида** илмий тадқиқотнинг долзарблиги, аҳамияти келтирилган, мақсади ва вазифалари аниқланган, илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги исботланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти борасида сўз юритилган, тадқиқот натижалари ва диссертация тузилиши берилган.

I боб **“Релятивистик астрофизикада қора туйнук атрофидаги зарралар ва майдонлар”** деб номланган бўлиб, супермассив ва юлдуз массасидаги қора туйнукларни, уларга номзод объектларни, улар атрофидаги зарралар ва майдонларни ўрганишга бағишланган.

Умуман олганда, биз юлдуз массали қора туйнуклар коинотдаги юлдузларнинг космологик "қолдиқлари" деб айта оламиз. Яъни, юлдузлар нур тарқатиб, ёруғликни сарф этиб, ўз ҳаётларини яшайдилар ва охир-оқибат тортиш кучларининг таъсирда ўз ҳаётини тугатадилар. Бундан ташқари, бошланғич массасига қараб, юлдуз қора туйнук ёки нейтрон юлдузи ёки ок митти бўлиши мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу объектлар орасида қора туйнуклар ўзига хос хусусиятларига эга бўлган энг қизиқарли объектлар бўлиб, ўз навбатида уларни бир неча турга бўлиш мумкин: супермассив қора туйнуклар, ўртача массали қора туйнуклар, юлдуз массаси бўлган қора туйнуклар ва бошланғич қора туйнуклар. Қора туйнук номини фанга ким киритгани номаълум. Аммо бу атама йигирманчи асрнинг ўрталарида Жон Уилер маърузаларида ишлатилган ва оммалашганлиги ҳақиқатдир. Шу вақтгача бундай объектлар коллапсланган юлдузлар, коллапсарлар ёки совуган юлдузлар деб номланган. Эйнштейннинг умумий нисбийлик назариясидан маълумки, юлдуз массасидаги қора туйнуклар юлдузнинг тортишиш кучи натижасида коллапсланиши натижасида ҳосил бўлади, яъни ички ёқилғиси тугагач, юлдуз тортишиш кучларига дош беролмайди. Шундай қилиб, ўз тортишиш кучи юлдуз материални босади ва улкан масса бир нуқтага сиқилади. Аммо қора туйнук пайдо бўлиши учун юлдуз массаси

Оппенгеймер-Волков чегараси билан белгиланадиган критик қийматдан кам бўлмаган қийматга эга бўлиши керак. Оппенгеймер-Волков чегараси  $M_{\text{юл}} \geq 3.2M_{\odot}$ . Бу ерда  $M_{\odot}$  Қуёш массаси. Шу муносабат билан "юлдуз номзоди" нинг аниқ массасини аниқлаш жуда муҳим вазифадир. Қоида тариқасида, юлдуз массаси қора туйнук номзодларининг массаси табиий йўлдошнинг орбитал ва радиацион хусусиятлари билан аниқланиши мумкин. Кўпгина ҳолларда, деярли барча бизга маълум юлдуз массали қора туйнукка номзодлар рентген кўшалок тизимларининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Шундай қилиб, юлдуз массали қора туйнукка номзодларни тизимда иккинчи йўлдош юлдуз атрофида аккрецион тўпланиш жараёни натижасида ҳосил бўлган рентген нурлари ёрдамида аниқлаш мумкин.

1-жадвалда кўшалок тизимлардаги юлдуз массали қора туйнуқларга номзод объектларнинг бир канчаси келтирилган.

1-жадвал

№	Номи	ҚТ массаси	Юлдуз массаси	Ергача бўлган масофа	Айла-ниш даври	Аниқланган вақти
1.	HR 6819	$5 M_{\odot}$	$08 M_{\odot}$	340 pc	40 d	2020
2.	LB-1	$70 M_{\odot}$	$9 M_{\odot}$	2,3 kpc	78.9 d	2019
3.	GW170104	$31.2 M_{\odot}$	$19.4 M_{\odot}$	880 Mpc	-	2017
4.	GW151226	$14.2 M_{\odot}$	$7.5 M_{\odot}$	440 Mpc	-	2015
5.	GW150914	$36 M_{\odot}$	$29 M_{\odot}$	410 Mpc	-	2015
6.	XTE J1650-500	$5.1 M_{\odot}$	-	4.46 kpc	0.32 d	2008

2-жадвалда шу пайтгача аниқланган ўта оғир қора туйнуқларнинг айримлари келтирилган.

2-Жадвал

№	Номи	Массаси	Галактика тури	Ергача бўлган масофа	Спини	Аниқланган вақти
1.	NGC 3783	$8,7 \cdot 10^6 M_{\odot}$	Сейферт	36 Mpc	$a \geq 0.88$	
2.	NGC 5548	$65 \cdot 10^6 M_{\odot}$	Сейферт	75 Mpc	$a \geq 0.8$	
3.	Mrk 231	$15 \cdot 10^7 M_{\odot}$	Сейферт	173 Mpc		2015
4.	OJ 287	$18 \cdot 10^9 M_{\odot}$	Лацертида	1 Gpc	$a \geq 0.3$	2018
5.	NGC 4151	$40 \cdot 10^6 M_{\odot}$	Сейферт	15.8 Mpc	$a \geq 0.9$	2014
6.	3C 66B	$2 \cdot 10^9 M_{\odot}$	Радио-галактика	92 Mpc		2010

II боб “Шварцшильд қора туйнуғи атрофида магнитланган зарраларнинг ҳаракати” деб номланган бўлиб, бу бобда магнит моментига эга зарраларнинг кучли гравитация ва магнит майдонлардаги ҳаракати тадқиқ этилади.

Шубҳасиз, қора туйнуқлар атрофида тортишиш майдонидан ташқари ички электромагнит майдонлар мавжуд емас. Бироқ, қора туйнук ташқи

асимптотик бир жинсли магнит майдонга жойлаштирилган деб фараз қилиниши мумкин.

Шварцшильд қора туйнуғи атрофидаги электромагнит майдоннинг потенциали қуйидаги шаклга эга:

$$A_\mu = \frac{1}{2} \delta_\mu^\varphi B r^2 \sin^2 \theta. \quad (1)$$

Фарадай электромагнит майдон тензорининг нолга тенг бўлмаган компоненталари қуйидаги кўринишга эга:

$$F_{r\varphi} = B_0 r \sin^2 \theta, \quad (2)$$

$$F_{\theta\varphi} = B_0 r^2 \sin \theta \cos \theta. \quad (3)$$

Магнитланган заррачанинг ҳаракат тенгламасини олиш учун қуйидаги метрикадан фойдаланамиз:

$$ds^2 = -A^2 dt^2 + H^2 dr^2 + r^2 d\theta^2 + r^2 \sin^2 \varphi, \quad (4)$$

бу ерда  $A^2 = H^{-2} = \left(1 - \frac{2M}{r}\right)$  бўлиб,  $M$  эса қора туйнук массаси.

Ҳаракат тенгламасини ёзиш учун Гамильтон-Якоби тенгламасидан фойдаланамиз. Магнитланган заррача ҳолати учун Гамильтон-Якоби тенгламасининг кўриниши қуйидагича бўлади:



$$g^{\alpha\beta} \frac{\partial S}{\partial x^\alpha} \frac{\partial S}{\partial x^\beta} + m^2 + 2mU = 0. \quad (5)$$

Бу ерда  $U = D^{\mu\nu} F_{\mu\nu}$  бўлиб, бу ҳад заррачанинг магнит хусусиятларини тўлиқ ифодалайди. Аниқроғи  $D^{\mu\nu}$  зарранинг спин моментини ўз ичига олади ва қутубланиш тензори деб аталади.  $F_{\mu\nu}$  эса электромагнит майдон тензори.

Зарранинг эффектив потенциали қуйидагича бўлади:

$$V_{eff} = \frac{1}{2} \left( \frac{l^2}{r^2} - \eta \right) \left( 1 - \frac{2M}{r} \right) - \frac{M}{r}. \quad (6)$$

Бу ифодадаги  $\eta$  – заррачанинг магнит хусусиятларига боғлиқ катталиқ. Бу ифоданинг физик маъносини қуйидаги график кўринишидаги 1-расм орқали ифодалашимиз мумкин:



1- ва 2- расмлардан кўришиб турибдики, магнитланган заррачалар марказий объектга яқинроқ масофаларда ҳаракатланиши мумкин экан.

3- жадвалда ички барқарор орбиталарнинг магнит параметрга боғлиқлиги қийматлари келтирилган:

3-Жадвал


$\beta$	0	$1 \cdot 10^{-6}$	$5 \cdot 10^{-5}$	$5 \cdot 10^{-4}$	$1 \cdot 10^{-4}$	$5 \cdot 10^{-3}$	$1 \cdot 10^{-2}$
$r_{ISCO}/M$	6	5.99	5.95	5.64	5.50	4.94	4.34
$l_{cr}/M$	4	3.95	3.91	3.85	3.80	3.73	3.69

Бу ерда  $r_{ISCO}$  – Innermost Stable Circular Orbits, яъни Энг Ички Барқарор айланма Орбиталарни билдиради. Юқорида айтиб ўтканимиздек, жадвалдаги келтирилган маълумотлар магнитланган зарралар магнитланмаган зарраларга қараганда анча барқарор эканлигини билдиради.

Заррачанинг радиал ва ҳусусий йўналишлари орасидаги бурчак  $\theta_{cr}$  эса, унинг радиал ва тангенциал тезликлари нисбатидан қуйидагича топилади:

$$\theta_{cr} = \arcsin \left[ 3M \sqrt{3 \left(1 - \frac{2M}{r}\right) \left(\frac{1}{r^2} - \beta \left(1 - \frac{2M}{r}\right)^{\frac{1}{2}}\right)} \right]. \quad (7)$$

(13) формуланинг физик маъноси 3-расмда келтирилган.



3-расм

Кўришиб турибдики, магнит момент мавжуд бўлганда, бурчакнинг критик қиймати кмаяди. Бу шундан далолат берадики, магнит момент туфайли эффектив кесими юзаси камаяди. Бу ерда спинга эга заррачаларининг классик зарралардан фарқли ўлароқ, қора туйнукдан ажралиб чиқиши осонроқ деб тахмин қилишимиз мумкин.

III боб “Магнитланган зарраларнинг бран қора туйнуги атрофидаги ҳаракати” деб номланган бўлиб, бу бобда магнитланган зарраларнинг бран қора туйнуги атрофидаги ҳаракати тадқиқ этилади.

Бран дунёси моделидаги қора туйнук атрофидаги вақт-фазо метрикаси қуйидаги шаклга эга:

$$ds^2 = -A^2 dt^2 + H^2 dr^2 + r^2 d\theta^2 + r^2 \sin^2 \varphi, \quad (8)$$

бу ерда  $A^2 = H^{-2} = \left(1 - \frac{2M}{r} + \frac{Q^*}{r^2}\right)$  каби белгилаш киритилган ва  $Q^*$  - бран параметрини билдиради.

Биз бу ерда куйидаги алмаштиришларни малга оширдик. Яъни тенгламалар кўринишини соддалаштириш мақсадида, “Геометрик бирликлар системаси”га ўтамиз. Бу системада фундаментал константалар  $G = c = 1$  кўринишга эга.

Бу метрикага ҳос бўлган ҳаракат тенгламаси куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$2M \frac{dt}{d\sigma} - \left(1 - \frac{1}{\rho} + \frac{Q^*}{\rho^2}\right)^{-1} e, \quad (9)$$

$$4M^2 \left(\frac{d\rho}{d\sigma}\right)^2 = e^2 - V(\rho, \lambda, e, Q^*), \quad (10)$$

$$2M \frac{d\varphi}{d\sigma} = \frac{\lambda}{\rho^2 \sin^2 \theta'} \quad (11)$$

Куйидаги тенгламаларни ечиб, ичкибарқарор айланма орбитааларни топишимиз мумкин:

$$\frac{d\rho}{d\tau} = 0 \quad \text{ва} \quad \frac{\partial \beta(\rho, e, \ell, Q^*)}{\partial \rho} = 0. \quad (12)$$

Бу тенгламаларнинг тахлили натижасида магнит параметрига нисбатан кватрат тенгламага эга бўламиз. Бу тенгламанинг ечими иккита ва ҳақиқий бўлиб, улар куйидаги кўринишга эга:

$$\rho_+ = \frac{4\beta^2 - 27 - 3\sqrt{81 - 8\beta^2 - 288Q^*}}{4(\beta^2 - 9)} \quad \text{ва} \quad \rho_- = \frac{2\beta^2 - 3 - \sqrt{9 - 12\beta^2 - 32Q^*}}{2(\beta^2 - 2)}. \quad (13)$$

Уларнинг айирмаси бизга заррачанинг барқарор айланма орбиталарининг мавжудлик соҳасини беради. Уни куйидагича топамиз:

$$\Delta\rho(\beta, Q^*) = \rho_+ - \rho_- = \frac{\beta^2(4\beta^2 - 29 + 56Q^*)}{6(18 - 11\beta^2)}. \quad (14)$$

Энди эса, киритилган белгилашларни нормал катталикларга қайта алмаштирамиз, яъни:  $\rho = \frac{r}{2M}$ ,  $\beta = \frac{2\mu B_0}{m}$ , заррачанинг магнит моменти учун эса  $\mu \simeq \mu_{\text{Bohr}} = 5.27 \times 10^{-21}$  Эрг  $G^{-1}$  (Бор магнетони), массаси учун  $m \simeq m_p = 1.67 \times 10^{-24}$ g (протона массаси), магнит майдонни  $B_0 \simeq 10^{12}$ G кўринишида ва қора туйнук массасини  $M \simeq 10^3 M_\odot$  деб ҳисобласак олсак, магнит ўзаро таъсир параметрини  $\beta \simeq 7 \times 10^{-6}$  кўринишда оламиз. Ушбу

қийматдан фойдаланиб, заррачанинг ички барқарор айланма орбиталарининг қийматини бран параметрга боғлиқлигини жадвал кўринишида келтирамиз:

**4-Жадвал**

$Q$	0	$3 \cdot 10^{-3}$	$1 \cdot 10^{-4}$	$1 \cdot 10^{-3}$	$3 \cdot 10^{-3}$	$1 \cdot 10^{-2}$	$1 \cdot 10^{-3}$
$r_{\text{prop}}$	100	150	151	152	153	155	160

Келтирилган қийматлардан кўринадик, бран параметр барқарор орбиталарнинг мавжуд бўлиш соҳасини кенгайтирар экан.

IV боб “Эйнштейн-Гаусс-Боннетнинг 4-D қора туйнуғи атрофида магнитланган зарралар динамикаси” деб номланган.

Эйнштейн-Гаусс-Боннет ечимида фазо-вақт геометрияси қуйидагича бериледи:

$$ds^2 = -f(r)dt^2 + \frac{dr^2}{f(r)} + r^2 d\theta^2 + r^2 \sin^2\theta d\phi^2. \quad (15)$$


Бу ерда  $f(r)$  метрик функция бўлиб, унинг кўриниши қуйидагича:

$$f(r) = 1 + \frac{r^2}{2\alpha} \left( 1 - \sqrt{1 + \frac{8\alpha M}{r^2}} \right). \quad (16)$$

Заррачанинг ушбу метрикага ҳос бўлган ҳаракат тенгламасини ёзиш учун, юқорида айтиб ўтилгайдек, магнитланган зарралар учун Гамильтон-Якоби формализмидан фойдаланамиз. У ҳолда ҳаракат тенгламаси қуйидаги кўринишни олади:

$$\left( \frac{dr}{dt} \right)^2 = \epsilon^2 - 1 - \left[ f(r) \left( 1 + \frac{\ell^2}{r^2} - \eta \right) - 1 \right], \quad (17)$$

Қуйидаги 5- а ва б расмларда магнит параметрнинг Гаусс-Боннет боғланиш параметри билан таъсирлашиши кўрсатилган.



Расмдан кўриниб турибдики, Гаусс-Боннет параметрининг қиймати ортиши билан, магнит таъсир параметрининг қиймати камайиб кетмоқда. 5- а ва б расмларда заррачанинг бурчак моменти фарқ қилади. Буни расмга қараб

пайқаш мумкин. Чунки, бурчак моменти ошган сари унинг объектдан узоклашиши камайиб бормокда.

Энди зарядли зарранинг ЭГБ 4-D қора туйнуги атрофидаги ҳаракатини караб чиқамиз. Бу ерда ҳаракат динамикаси шундан иборатки, қора туйнук майдонида икки заррача ўзаро тўқнашувда иштирок этади. Бу ҳолда зарраларнинг бири магнитланган, иккинчиси зарядли деб ҳисобланади. Тўқнашув кучли гравитация ва ташқи магнит майдонида содир бўлишини айтиб ўтамиз. Масала бироз соддалашиши учун тўқнашувни абсолют ноэластик деб қараймиз. Яна шуни таъкидлаш жойизки, тўқнашув пайтида зарралар бир чизик бўйлаб бир-бири томон ҳаракатланмокда.

У ҳолда зарралар ҳаракати учун лагранжиан қуйидаги кўринишни олади:


$$L = \frac{1}{2} m g_{\mu\nu} u^\mu u^\nu + e u^\mu A_\mu. \quad (18)$$

Бу ерда  $e$  заррачанинг электр зарядини ифодалайди. Агар ҳаракат учун Лагранжианни билсак, бу ҳолатдаги сақланиш қонунларини, яъни системанинг тўлиқ энергияси ва бурчак моментини ёза оламиз. Улар қуйидагича ёзилади:

$$E = m g_{tt} \dot{t}, \quad (19)$$

$$L = m g_{\phi\phi} \dot{\phi} + e A_\phi. \quad (20)$$

Қуйидаги 6- *a* ва *b* расмларда бири зарядли, иккинчиси эса магнитланган зарралардан иборат системанинг масса маркази энергияси график кўринишда келтирилган. *a* расмда заррачанинг заряди мусбат, *b* расмда эса манфий ҳисобланади.



5-расм

6- *a* расмдан шуни кўришимиз мумкинки, магнит момент билан манфий зарядли зарранинг таъсирлашувида масофа етарлича узок бўлса тўқнашув содир бўлмайди. Бу ерда зарядли зарраларга таъсир қилувчи Лорентц кучининг бир-ҳил ишорали зарядлар ҳолатида итарувчи характериға эға эканлигини инобатға олиш керак. Эътибор берсак, тўқнашув натижасида ажраладиган масса маркази энергиясининг максимал қиймати *a* ва *b* расмларда фарқ қилади. Бунинг сабаби, юқорида айтиб ўтилганидек Лорентц кучининг муҳим аҳамиятға эға эканлигидан. Яъни, бир ҳил ишораи зарядлар

ҳолида Лоренц кучининг итарувчи, бир ҳил қийматларда тортишувчи табиатли эканлигидандир.

## ХУЛОСА

"Умумий нисбийлик назариясида бурчак моентга эга магнитланган ва зарядланган заррачаларнинг ҳаракати" мавзусидаги диссертация иши бўйича куйидаги хулосалар олинди:

1. илк бор, магнитланган зарраларнинг қора туйнук томонидан гравитацион қамраб олинишини тадқиқ қилиш орқали заррачанинг ҳусусий ва радиал ҳаракатланиш йўналиши ўртасидаги критик бурчакни ҳисоблаш учун умумий формула олинди. Классик ҳолатда бурчак  $90^0$ ни ташкил этади, магнитланган заррача ҳолатида  $85^0$  га камайиши ва бу, ўз навбатида, тугулишдан қутулиб кетадиган зарралар сонининг кўпайишига олиб келади;
2. илк бор, қора туйнук томонидан заррачанинг қамраб олинишини ўрганишда, бран параметрни магнитланган заррача ҳаракатининг критик бурчагига таъсири аниқланди. Бран параметр ва магнит момент ҳисобига критик бурчакнинг қиймати сезиларли даражада камайиши аниқланди;
3. заррачанинг умумий энергияси ва бурчак моментининг магнит параметрга боғлиқлиги топилди, бу эса ташқи магнит майдон билан ўзаро таъсирлашувда муҳим аҳамиятга эга. Нолга тенг бўлмаган магнит параметрга эга бўлган заррача классик зарраларга қараганда кўпроқ энергияга эга эканлиги аниқланди (яъни  $\beta = 0$  да);
4. магнитланган заррача бурчак моментини критик қийматининг магнит параметрига боғлиқлиги топилди. Магнит параметрнинг ортиши билан заррачанинг бурчак momenti қиймати сезиларли даражада пасайиши аниқланди;
5. илк бор, магнит параметрнинг ортиши билан ички барқарор айлана орбиталар Шварцшильд радиусининг  $r=4M$  қийматида пайдо бўлиши аниқланди, классик ҳолатда бундай орбиталар  $r=6M$  дан бошланади;
6. илк бор, бран моделида айланмайдиган қора туйнук атрофида магнитланган зарралар учун энг ички барқарор айлана орбиталарнинг мавжудлик соҳасини кенгайтириши аниқланди, натижа тахминан  $\Delta\rho \leq 160m$  эканлиги ҳисобланди. Агар  $Q = 0$  бўлса, у  $\Delta\rho \leq 100m$  бўлган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.FM.15.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АСТРОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**  

---

**АСТРОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**РАХИМОВ ОЗОДБЕК ГУЛОМОВИЧ**

**ДВИЖЕНИЕ ЗАРЯЖЕННЫХ И НАМАГНИЧЕННЫХ ЧАСТИЦ  
С УГЛОВЫМ МОМЕНТОМ  
В ОБЩЕЙ ТЕОРИИ ОТНОСИТЕЛЬНОСТИ**

**01.03.01- Астрономия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЗИКО –МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № B2018.2.PhD/FM240.**

Диссертация выполнена в Астрономическом институте Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, английский, русский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.inp.uz](http://www.inp.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Ахмедов Бобомурат Жураевич**  
доктор физико-математических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Нуритдинов Слехитдин Насритдинович,**  
доктор физико-математических наук, профессор

**Муждабаев Исмет Шевкетович**  
кандидат физико-математических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Казахский Национальный Университет имени аль-Фараби**

Защита диссертации состоится «21» мая 2021 года в 11<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.FM.15.01 при Астрономическом институте. Адрес: 100052, г.Ташкент, Астрономическая 33, АИ. Тел.: (+99871) 235-81-02; факс: (+99871) 234-48-67; e-mail: [info@astrin.uz](mailto:info@astrin.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Астрономического института (регистрационный номер № 01-21). С диссертацией можно ознакомиться в [Библиотеке](#) АИ АН РУз. Адрес: 100052, г.Ташкент, Астрономическая 33, АИ. Тел.: (+99871) 235-81-02.

Автореферат диссертации разослан «28» апреля 2021 г.  
(протокол рассылки №1 от 28 апреля 2021 г.).



  
**Ш. А. Эгамбердиев**  
председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор, академик АН РУз

  
**И.А. Ибрагимов**  
ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
к.ф.-м.н., старший научный сотрудник

  
**С.П. Ильясов**  
председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых степеней,  
д.ф.-м.н., старший научный сотрудник

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день изучение центров активных ядерных галактик и открытие черных дыр передовыми научными центрами мира стало одной из важнейших задач. При наблюдении за центром галактик очень важно наблюдать и изучать события, происходящие вокруг центральной черной дыры. В частности, исследуя массивные черные дыры в центре огромных галактик, ученые изучают различные энергетические, тепловые, рентгеновские и радиоизлучательные процессы вокруг черной дыры. Хотя ведутся масштабные работы по отслеживанию таких частиц, отследить их пока невозможно. Поэтому исследование движения намагниченных и заряженных частиц вокруг массивных и сверхмассивных объектов является одной из важнейших задач астрофизики.

Эффекты магнитного момента, изучаемые в данной диссертации, были использованы при спектральном анализе сигналов, полученных от объектов, наблюдаемых в ведущих обсерваториях и исследовательских центрах мира. Например, в 2019 году наблюдалось движение магнитара в центре нашей галактики, примерно в полтора световых годах от черной дыры Sogitarius A\* массой 4,3 миллиона солнечных масс. В качестве примера еще можем называть следующие события: в 2019 году телескоп Event Horizon впервые сделал снимок черной дыры M87; В 2018 году нейтринная обсерватория IceCube наблюдала нейтрино высоких энергий, испускаемых блазарами. В частности, анализ изображения черной дыры показывает, что именно здесь благодаря изучению движения частиц мы смогли наблюдать это изображение черной дыры. Хотя было сделано много открытий, механизмы, с помощью которых возникают эффекты магнитного момента в сильных магнитных полях, полностью не изучены. Из вышеперечисленного можно заключить, что изучение движения намагниченных и заряженных частиц имеет большое значение в современной астрофизике.

В нашей стране большое внимание уделяется экспериментальным и теоретическим работам в области релятивистской астрофизики, а также проведению фундаментальных исследований в глобальном масштабе. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, выдвинутая Президентом Республики Узбекистан, направлена на развитие науки в нашей стране, реализацию важных направлений фундаментальных исследований и их полученные результаты. Об этом свидетельствует тот факт, что в последние годы в релятивистской астрофизике широко изучаются движение намагниченных и заряженных частиц вокруг компактных объектов, их захват черной дырой, физические свойства частиц, внешнее магнитное поле вокруг компактных объектов и их природа. Несмотря на огромную работу, проделанную в наблюдении черных дыр, на некоторые вопросы пока нет ответов.

Данная диссертационная работа в определенной мере служит реализации задач, утвержденных в государственных нормативных

документах, в Указах Президента Республики Узбекистана за № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, а также в «Дорожной карте основных направлений структурных реформ в Узбекистане на 2019-2021 годы», опубликованной правительством Республики Узбекистан 29 ноября 2018 года.

### **Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.**

Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

### **Степень изученности проблемы**

Магнитные свойства частиц, в том числе взаимодействие с внешним магнитным полем, параметром вращения черной дыры, бран зарядом и собственным угловым моментом частицы, были исследованы многими учеными, в том числе, итальянскими (F. de Felice, Ф. Sorge, A. Vecchiato, G.Preti, С. Vambi, R.Luciano, M.Daniele), российскими (О. Цупко, А. Захаров, В. Фролов, И. Новиков), голландскими (J. van Holten, H. Falcke), чилийскими (S.Hojman, F.Asenjo), немецкими (C.Laemmerzahl, J.Kunz), английскими (G.Gibbons, R.Rietdijk<sup>2</sup>) американскими (J. Bardeen), голландскими (H. Falcke), аргентийскими (L. Amarilla, E. Eiroa), чешскими (Z. Stuchlik, J. Schee), индийскими (N. Dadhich, S. Ghosh, P. Joshi, M. Patil) и др. Однако, влияние магнитного момента с бран параметром и внешним магнитным полем вокруг черной дыры детально не изучено для конкретных объектов, таких как, пульсары, которые рассматриваются в качестве намагниченной частицы, движущейся вокруг черной дыры.

